



СОЛИҚҚА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик турлари



Солиқ соҳасидаги
ҳуқуқбузарлик учун



қилмишнинг ижтимоий
хавфлилигини



етказилган заарнинг
миқдорини



оғирлаштирувчи
енгиллаштирувчи
ҳолатларни
ва

инобатга олган ҳолда



МОЛИЯВИЙ



МАЬМУРИЙ



ЖИНОИЙ

жавобгарлик қўлланилади


Жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси



Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодекс



Жиноят кодекси




Солиқقا оид бошқа қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра молиявий санкцияларни қўллаш тартиби (218-модда)



Молиявий санкциялар Солиқ кодексининг нормаларида назарда тутилган миқдорларда белгиланади ва жарималар тарзида қўлланилади.




**Молиявий
санкциялар**



солиқ қонунчилигининг бузилиши муносабати билан қўлланилади;



пул ундириш шаклида бўлади;



давлат бюджетига ундирилади;



ваколатли органлар томонидан қўлланилади;



ҳуқуқбузарга солиқ қонун ҳужжатларини бузишнинг салбий оқибатларни кўрсатади;



солиқ қонун ҳужжатларини бузилиши натижасида давлатга етказилган зарарни қоплаш вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра молиявий санкция сифатида ЖАРИМАни қўллаш тартиби (218-модда)



Молиявий санкция сифатида ЖАРИМА жавобгарлиги маъмурий ва суд тартибида қўлланилади.

Жавобгарликни
енгиллаштирувчи
ҳеч бўлмаганда
битта ҳолат мавжуд
бўлганда

Айбга иқор бўлиб, солиқ
органинг жавобгарликка
тортиш тўғрисидаги қарори
олинган кундан эътиборан
10 кунлик муддатда
молиявий санкциялар
ихтиёрий равишда
тўланганда

**жарима миқдори икки бараварга
камайтирилади**

-50%

 Илгари худди шундай
ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик
чоралари қўлланилган шахс
томонидан бу чоралар қўлланилган
кундан эътиборан бир йил ичida
қайта содир этилганлиги
жавобгарликни оғирлаштирувчи
ҳолат деб эътироф этилиб, **жарима
миқдори икки барабар
оширилади.**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун белгиланган молиявий санкциялар

Т.р	Қонунбузилиш ҳолатлари	Молиявий санкциялар миқдори
1.	Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тўловчиси сифатида солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш.	Ҳақиқатда ҳисобга қўйилган санагача бўлган даврда олган даромадининг беш фоизи миқдорида, лекин беш миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима (СК 219-моддаси биринчи қисми).
2.	Солиқ солиш обьекти бўйича солиқ органларида ҳисобга қўйиш муддатлари бузиш.	Ҳисобга қўйишнинг белгиланган муддатидан ўтиши: ўттиз кундан кўп бўлмагандан, — бир миллион сўм миқдорида жарима ; ўттиз кундан кўп бўлгандан, — икки миллион сўм миқдорида жарима . (СК 219-моддаси иккинчи қисми).
3.	Чет эл юридик шахси томонидан доимий муассасасини ташкил этишга олиб келувчи фаолиятнинг солиқ органида ҳисобга қўймасдан амалга оширилиши.	Ҳақиқатда ҳисобга қўйилган санагача бўлган даврда олган даромадининг ўн фоизи миқдорида, лекин ўн миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима (СК 219-моддаси учинчи қисми).
4.	Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолиятни амалга ошириш.	Фаолиятдан олинган даромадларнинг ўн фоизи, лекин бир миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима (СК 219-моддаси тўртинчи қисми).
5.	Солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаслик .	Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади .(СК 220-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун белгиланган молиявий санкциялар

Т.р	Қонунбузилиш ҳолатлари	Молиявий санкциялар миқдори
6.	Назорат-касса техникасини ва (ёки) тўлов терминалларини қўлламасдан савдони амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш.	Беш миллион сўм миқдорида жарима (СК 221-моддаси биринчи қисми).
7.	Солиқ органларида рўйхатга олинмаган назорат-касса техникасини қўллаган ҳолда савдони амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш.	Етти миллион сўм миқдорида жарима (СК 221-моддаси иккинчи қисми).
8.	Бошқа шахслар номига расмийлаштирилган тўлов терминалларидан фойдаланиш ёки хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса техникаларидан фойдаланиш.	Йигирма миллион сўм миқдорида жарима (СК 221-моддаси учинчи ва тўртинчى қисмлар).
9.	Якка тартибдаги тадбиркор томонидан даромадлар ва (ёки) харажатларни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш.	Беш юз минг сўм миқдорида жарима (СК 222-моддаси).
10.	Солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш).	Яширилган солиқ базаси суммасининг йигирма фоизи миқдорида жарима (СК 223-моддаси).
11.	Солиқни (йигимни) нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида солиқ (йигим) суммасини тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик.	Тўланмаган солиқ (йигим) суммасининг йигирма фоизи миқдорида жарима (СК 224-моддаси).
12.	ҚҚСдан озод қилинган товарларни реализация қилишда, ҚҚСни тўловчилар бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварак-фактурада акс эттириш.	Ҳисобварак-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг йигирма фоизи миқдорида жарима (СК 225-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра молиявий санкцияларни қўллаш тартиби (218-модда)



Солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуидагилар эътироф этилади:



Солиқ базасини яшириш



товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттираслик, юкларни товар-кузатув ҳужжатларини расмийлаштирмасдан ёки сохта ҳужжатлар бўйича ташиш



ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги, расмийлаштирилмаган товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш



товарлар реализация қилинганигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш, қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш



иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларнинг ҳақиқий иш ҳақи суммаси солиқ ҳисботида акс эттирилмаганлиги, меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг солиқ ҳисботида акс эттирилмаганлиги;



қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмининг солиқ ҳисботида тўлиқ акс эттирилмаслик, реализация қилинган товарлар қийматини ҳисоб ҳужжатларида ҳақиқатда реализация қилинган қийматидан пасайтирилган нархлар бўйича акс эттириш;



Ҳисобварак-фактураларда ёки НКМ чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттириш - ҳисобварак-фактураларда ёки НКМда кўрсатилган реализация қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг **бир фоизи миқдорида жарима солишга** сабаб бўлади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда улуши солиқ базасига киритилмаганлиги натижасида солиқни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик

Т.р	Қонунбузилиш ҳолатлари	Молиявий санкциялар миқдори
1.	Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг юридик ёки жисмоний шахс бўлган назорат қилувчи шахслари томонидан мазкур компания фойдасининг улуши солиқ базасига киритилмаганлиги натижасида солиқ суммаларини тўламаганлик ёки тўлиқ тўламаганлик	фойда солиғи бўйича ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тўланмаган солиқ суммасининг йигирма фоизи миқдорида , лекин ўн миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (СК-227-модда)
2.	Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш	Реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушум миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. (СК 227-1-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун банкларнинг жавобгарлиги

Т.р	Қонунбузилиш ҳолатлари	Молиявий санкциялар миқдори
1.	Банк томонидан солиқ (йигим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш).	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз элликдан бир қисми миқдорида, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима (СК 228-моддаси биринчи қисми).
2.	Банклар томонидан банк ҳисобварақлари ва операциялар бўйича маълумотномаларни (кўчирмаларни) солиқ органига тақдим этмаслик , шунингдек маълумотномаларни (кўчирмаларни) белгиланган муддатни бузган ҳолда ёки нотўғри маълумотлар бўлган маълумотномаларни (кўчирмаларни) тақдим этиш .	Икки миллион сўм миқдорида жарима (СК 229-моддаси иккинчи қисми).

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ